

ВИЛОЯТИМИЗ ФУТБОЛИДА ЮКСАЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ: ОЛТИАРИҚНИНГ «ДҮСТЛИК» ЖАМОАСИ – БИРИНЧИ ЛИГАДА!

Футбол бўйича 2021 йилги Фарғона вилояти чемпиони, вилоят кубоги соҳиби Олтиариқнинг «Дўстлик» жамоаси Сурхондарё маркази Термиз шаҳрида 2-лига ғолиблари ўртасида Биринчи лигага ўтиш турнирида муваффақиятли иштирок этиб, Биринчи лига йўлланмасини қўлга киритди.

Мусобақанинг «A» групхуда иштирок этган олтиариқликлар, гуруҳ баҳсларида Қашқадарё вилоятининг “Чироқчи” ҳамда Наманган вилоятининг “Тошбулоқ” жамоалари устидан ишончли ғалабага эришдилар. Гуруҳ ғолиби Андижон вилоятининг “Шаҳрихончи” жамоасига 1:2 ҳисобида мағлуб бўлган “Дўстлик”, 6 очко ва иккинчи ўрин билан чорак финалга юксалди. Чорак финалда эса Олтиариқ жамоаси Бухоронинг вилояти вакили “Бинокор” устидан йирик – 4:0 ҳисобида ғолиб бўлди.

Кеча мусобақанинг ярим финал ўйинлари ҳам ниҳоясига етди. Регламентга кўра, турнирнинг финал иштирокчилари ҳамда учинчи ўрин эгаси 2022 йилги мавсум Биринчи лигасига йўлланма олишини инобатга олсак айни пайтда юқори лигага чиқсан икки жамоанинг номи маълум бўлди.

Вилоятимиз вакиллари ярим финал баҳсида Тошкентнинг «Дўстлик» жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Тошкентликлар Шавкат Сатторовнинг 32-дақиқадаги голи эвазига ҳисобни очишиди. 63-дақиқада Зарбулла Умаров «қайчи» услубида гол уриб, ҳисобни тенглаштирди. Биринчи, Про ҳамда Суперлига клубларида тажриба орттирган Мўйдин Мамазулумовнинг 70-дақиқада пенальтидан урган голи олтиариқликлар имкониятини оширди. Икки дақиқа ўтмай айнан Зарбулло Умаров яна бир чиройли голга муаллифлик қилди. Ўйин тугашига етти дақиқа қолганида Сухроб Раҳмоновнинг голи тошкентликларни йирик ҳисобдан асрари: 3:2

Ярим финалнинг бошқа учрашувида Сурхондарё вилоятининг икки вакили – «Қумқўрғон» ва «Денов» жамоалари ўзаро куч синашишди. Ўйин деновликларнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якун топди.

Шу тариқа «Дўстлик» ва «Денов» жамоалари Биринчи лига йўлланмасини қўлга киритишиди. Учинчи ўйлланма «Қумқўрғон» ва Тошкентнинг «Дўстлик» жамоалари ўртасидаги баҳсада маълум бўлади. Финал ва учинчи ўрин учун ўйинлар 16 декабрга белгиланган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-16 09:21:27